



“ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ: ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ҲИМОЯЛАНИШИ МИСОЛИДА”

Ислом Марқсов

Ўзбекистон Республикаси

Бош прокуратураси бўлим прокурори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7364276>

ARTICLE INFO

Received: 15th November 2022

Accepted: 24th November 2022

Online: 26th November 2022

KEY WORDS

Инвестор, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари, инвестиция лойиҳаси, инвестиция мажбурияти, инвестиция сиёсати, инвестиция фаолияти, инвестиция фаолиятининг иштирокчиси, халқаро рейтинг.

Кейинги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнес юритиш учун қулай муҳит яратиш орқали мамлакат имижини яхшилаш, халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, солиқ тизими ислоҳ қилинди, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишлар бекор қилинди ҳамда миллий валюта конвертацияси жорий этилди ва инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш билан боғлиқ чекловлар олиб ташланди.

ABSTRACT

Ушбу мақола орқали хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида чет элик инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш ҳолати таҳлил қилинган, инвесторлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, уларнинг суд ҳокимиятига ишончини оширишга эришиш мақсадлари ҳамда юртимиз рейтингини яхшиланишига хизмат қилиши назарда тутилган.

Айниқса, инвестиция муҳитини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу маънода прокуратура органларида инвестиция дастурлари доирасидаги лойиҳаларнинг бошланишидан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг реализациясига қадар бўлган жараёнда ташаббускорлар билан мунтазам алоқада бўлиш амалиёти жорий этилди.

Бевосита прокурорлар томонидан лойиҳа ташаббускорларининг фаолиятида юзага келган 1 928 та муаммолар (535 та кредит, 361 та электр, 198 та табиий газ, 176 та сув, 31 та рухсатнома, 31 та бино ёки ер ва 513 та бошқа масалаларда) ижобий ҳал этилди.

Масалан, Китоб туманидаги “BLACK BEST MAX” МЧЖга микрокалцит



маҳсулоти ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш учун АТБ “Миллийбанк”дан 100 минг АҚШ доллар кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида, Хитой давлатидан технологик ускуна келтириб ўрнатилиб, 10 та янги иш ўрни яратилишига ва микрокалций ишлаб чиқариш қувватини 5000 тоннага оширишга эришилган.

Биз хорижий инвестицияларни қабул қилувчи давлат сифатида инвесторларга уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш кафолатларини бериш ҳамда уларни амалда таъминлаш учун **нималарга кўпроқ этибор қилишимиз зарур!?**

Биламиз, бобокалонларимиз чет элликлар ҳақ-ҳуқуқсизлиги, ҳимоясизлигидан воз кечиб, уларга муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар берганлиги билан бошқа юртларда ижобий ном қозонган.

Айниқса, кўҳна Туркистонда мусофирга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларга жабр қилганга нисбатан чора қўллашда адолатли бўлишга алоҳида эътибор қилинган.

Амир Темур хорижга чиқиш ва чет элликларнинг мамлакатга эмин-эркин келиши хунармандчилик, савдо ишлари ривожига катта ҳисса қўшишини инobatга олиб, коризлар қуриш, работлар ва карвонсаройларни доимий озода ва ёруғ сақлаш, йўл устига кузатувчи ва соқчилар қўйилишига буйруқ берганлар.¹

Узоқ тарихимиздан сабоқ олган ҳолда биз мамлакатимизда турли хил сабаб билан инвесторлар ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслигимиз керак.

¹ Temur Tuzuklari. / A.Temur. – Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2018. – 184 b.

Алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги беш йилда хорижий инвесторларни Ўзбекистонга жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар мамлакат имиджига ижобий таъсир кўрсатди. 2022 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси ҳажми 36 млрд. АҚШ долларидан ошган. Масалан, **Ўзбекистон халқаро рейтингларда энг барқарор ўсишга эришган дунёнинг олти давлатидан бирига айланди**, хусусан, Иқтисодий эркинлик индексида эркин савдо бўйича унинг позицияси рекорд даражага ошиб, 163-ўриндан 67-ўринга кўтарилди. Мамлакатимиз бу борада АҚШ, Япония ва Хитой каби давлатлардан ҳам илгарилади.²

Инвесторларнинг ҳуқуқлари мустаҳкам ҳимояда бўлган, қонун устуворлиги суд томонидан таъминланган давлатда иқтисодиёт жадал равишда тараққий этади, бу эса ўз навбатида, миллий иқтисодиётга хорижий инвестициялар оқимининг салмоқли даражада ошишига олиб келади.

Афсуски, мамлакатимизда инвестициявий муҳитнинг янада яхшиланишига ва инвестициявий низоларнинг самарали ҳал этилишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳам мавжуд. Жумладан, **инвестицияга оид низоларни суд томонидан ҳал этиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари етарли даражада ривожланмаган.**

Яъни, инвестиция фаолиятига алоқадор иқтисодий, фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар турли хил судлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Бу эса ўз

² Worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/country/2022/Uzbekistan



навбатида, инвесторлар фаолиятига оид низолар бўйича қарорлар қабул қилишда турли хил суд амалиёти шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Аслида чет элдан инвесторни жалб этиш учун унга биринчи навбатда, қулай ишбилармонлик муҳити, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонуний кафолатлар яратиш бериш лозим.

Бу борада кўплаб хорижий давлатларда инглиз ҳуқуқи етакчи тизим сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда. Ривожланган мамлакатларда инвесторлар ўзи билган инглиз ҳуқуқи тизимида иш олиб боришни афзал кўришади. Эгилувчанлик, шаффофлик, башорат қила олиш ва энг муҳими, тезлик бу тизимнинг афзал жиҳатлари ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат, сиёсий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, эндиликда европалик инвесторларга қулай бизнес муҳитини яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида **Европа ҳуқуқий муҳитига яқинлашишимиз ҳам самарали бўлади.**

Айниқса, Европа Кенгашининг илғор тажрибасини инobatга олган ҳолда Ўзбекистонда HELP дастурини ишга тушириш Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва Европа Кенгаши билан Ўзбекистоннинг бир-бирини тушунишини яхшилашга ёрдам беради. Шу муносабат билан Европа Кенгашининг HELP таълим дастуридаги устувор тамойилларни ўз ҳуқуқий муҳитимизга тизимли ўтказишимиз лозим.

Яна бир муҳим йўналиш, давлат – хусусий шериклик соҳасида инвестиция

жозибadorлигини ошириш ҳам яхши натижа беради.

Жорий йил 10 ойида умумий қиймати 3,09 млрд. долл.дан ортиқ бўлган 196 та (131 таси имзоланган, 33 таси имзоланиш арафасида, 32 таси тендер босқичида) давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилди.

Ўрганишлар давлат-хусусий шерикликни иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг барча йўналишларида ривожлантириш, ДХШ асосида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг 99,2 фоизи (21 963 та) мактабгача таълим соҳасида йўлга қўйилганлигини инobatга олиш, ижтимоий ва коммунал соҳалар, шаҳарсозлик ва ободонлаштириш, йўл хўжалиги, энергетика ва бошқа муҳим соҳаларда ДХШ тизимини фаоллаштириш зарур кўринади.

Шунингдек, ДХШ лойиҳалари Давлат мулки негизида ташкил этилишини инobatга олган ҳолда, ДХШ тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштиришга масъул орган сифатида Давлат активларини бошқариш агентлигини белгилаш фойдали бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига асосан инвестиция фаолиятининг эркинлиги ушбу фаолиятнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади.

Бироқ, бугунги кунда маҳаллий **инвесторлар мулкларини баҳолашнинг ягона мезони йўқлиги сабабли**, кўп ҳолларда мулклар арзон баҳоланганлиги ҳақида тадбиркорларнинг ҳақли эътирозлари



келиб чиқмоқда. Шу билан бирга, хорижий экспертлар, инвесторлар, баҳолаш ташкилотлари ва бошқа мутасадди идораларнинг мутахассисларини жалб қилган ҳолда чет эл тажрибасини ўрганиш ҳамда компенсация қилинаётган мулкни баҳолашнинг ягона мезонини ишлаб чиқиш бирмунча самарали кўринади. Буларнинг натижасида мамлакатимизда инвесторлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, уларнинг суд ҳокимиятига

ишончини оширишга эришилади, бу эса ўз навбатида, Бошқарув сифати индикаторлари (Worldwide Governance Indicators), Коррупцияни қабул қилиш индекси (Corruption Perception Index), Ҳуқуқ устуворлиги индекси (Rule of Law Index, World Justice Project), Жаҳон мамлакатлари демократияси индексида (Democracy Index) юртимиз рейтингини яхшиланишига хизмат қилади.